


**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**



**ЭГАМБЕРДИЕВ ҲОЖИАКБАР САЛОҲИТДИНОВИЧ**

**Кўп қатламли ғовак муҳитларда ер ости  
сувларини геофилтрация жараёнларини  
математик моделлаштириш**

05.01.07 –Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии  
(PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

<b>Эгамбердиев Ҳожиакбар Салоҳитдинович</b> Қўп қатламли ғовак муҳитларда ер ости сувларини геофилтрация жараёнларини математик моделлаштириш.....	3
<b>Эгамбердиев Ҳожиакбар Салоҳитдинович</b> Математическое моделирование процессов геофилтрации подземных вод в многослойных пористых средах .....	21
<b>Egamberdiev Khojiakbar Saloxitdinovich</b> Mathematical modeling of groundwater geofiltration processes in multilayer porous environments .....	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	43

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭГАМБЕРДИЕВ ҲОЖИАКБАР САЛОҲИТДИНОВИЧ**

**Кўп қатламли ғовак муҳитларда Ер ости  
сувларини геофилтрация жараёнларини  
математик моделлаштириш**

05.01.07 –Математик моделлаштириш. Соғли усуллар ва дастурлар мажмуи

**ТЕХНИКА ФАҢЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Т1120 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажрилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «Ziyoue» ахборот-таълим порталида ([www.ziyoue.net](http://www.ziyoue.net)) жойлаштирилган.

- Илмий раҳбар:** Джуманов Жамолжон Худойқулович  
техника фанлари доктори, профессор
- Расмий оппонентлар:** Нурашев Фахридин Муродиллаевич  
техника фанлари доктори, доцент
- Мурадов Фаррух Абдукахарович  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
- Етакчи ташкилот:** «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миаллий тадқиқот университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSс.13/30.12.2019.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «15» май да соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 01/24 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43).

Диссертация автореферати 2022 йил «30» июнь кунни тарқатилди.  
(2022 йил «24» май даги 6-рақамли реестр баённомаси).



**М.М.Мусаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
техника фанлар доктори, профессор

**Н.О.Рахимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий хотиби, техника фанлари доктори

**Ш.А.Садуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
ҳузуридаги илмий семинар раиси,  
техника фанлари доктори, доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда ер ости сув ресурсларини баҳолаш ва улардан оқилона фойдаланиш, дарё оқимини ҳавзаси бўйлаб қайта тақсимланиш, ҳудудий ичимлик суви қонида сув алмашуви қонуниятларини аниқлаш, геофилтрация жараёнларини математик моделлаштириш ва юқори технологияли дастурий воситаларни қўллаш, илмий ҳамда амалий усулларни такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ер ости гидросферасида ичимлик сув ресурсларини шаклланиши, кўп қатламли ғовак муҳитларда ер ости сувларини ҳолатини аниқлаш, сув олиш иншоотларидан самарали фойдаланишда геофилтрация жараёнларини математик моделлаштириш усуллари алоҳида аҳамият берилмоқда. Ривожланган мамлакатларда, хусусан АҚШ, Канада, Франция, Хитой, Голландия, Дания, Япония ва Россия каби давлатларда мураккаб гидрогеологик шароитларнинг геофилтрация жараёнларини бошқаришнинг математик моделларини, алгоритмларини ҳамда дастурий воситаларини ишлаб чиқиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ичимлик сув ресурсларини баҳолаш, ер ости сувларини захирасини ҳисоблаш ва ғовак муҳитли қатламларда юз бераётган ер ости сувларини геофилтрацияси жараёнларни математик моделлаштириш усуллари, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий мажмуаларини яратишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, гидрогеологик ҳудудларда ичимлик суви таъминоти учун зарур бўлган ер ости сувларининг миқдори ва сифатини башорат қилиш, сув олиш жараёнини мукаммаллаштириш имкониятини берувчи ер ости гидросфераси хусусиятларини ўрганишни такомиллаштиришга йўналтирилган энг истиқболли усуллар математик моделлаштириш, тажриба-ҳисоблаш асосида масалаларни ечишга катта эътибор берилмоқда. Ер ости сувларининг гидрогеологик тавсифларини ва уларнинг ер усти сувлари билан ўзаро боғлиқлигини ҳисоблаш модели, алгоритмлари ва дастурий мажмуалари асосида техник ечимларни ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланмоқда.

Республикамиз мустақилликга эришганидан буён ичимлик сув ресурсларини баҳолаш, ер ости сувларини захирасини ҳисоблаш ва самарали мониторингини юритиш, кўп қатламли ғовак муҳитларда, яъни мураккаб гидрогеологик шароитларда юз бераётган геофилтрация жараёнларини математик моделлаш ҳамда ахборот технологияларини жорий этиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодий ва маданий жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатини таъминлаш, ...геология соҳасида замонавий таълим стандартларини кенг жорий этган ҳолда малакали кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш

ҳамда илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши мураккаб гидрогеологик тизимларни ҳолатини кузатиш, таҳлил қилиш ва самарали фойдаланиш, гидросферада турғунмас геофилтрация жараёнининг ахборот таъминоти, математик модели, алгоритми ҳамда дастурий воситаларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги ПҚ-2954-сон «2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон «Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида»ги Қарори ва 2018-йил 19-февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5349-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш», V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ер ости сувлари ресурслари ва гидрогеологик мелиорация тизимини баҳолаш каби масалаларни ечишда геофилтрация жараёнларни математик моделлаштириш усулларини такомиллаштириш, шунингдек, кўп қатламли ғовак муҳитларда ер ости сувлари геофилтрацияси масалаларини ечиш J.C.Refsgaard, Я.Бэр, J.Reichling, T.Himmelsbach, П.Я.Полубаринова-Кочина, Ж.Фрид, И.К.Гавич, А.А.Самарский, W.Kinzelbach, Л.Лукнер, В.М.Шестаков, В.М.Миرونенко, В.Г.Румынин ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Ўзбекистонда гидрогеологик жараёнларни математик моделлари ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишда Ф.Б.Абуталиев, У.У.Умаров, И.Хабибуллаев, А.Нематов, Р.Н.Усмонов, Н.Равшанов, Ж.Джуманов, И.Н.Грачева ва бошқа олимлар салмоқли илмий натижаларга эришган.

Бугунги кунда гидрогеологик жараёнларни ҳудудлар бўйича тақсимланганлик хусусиятларини ва ер ости сувлари ҳолатини мониторинги тартиб элементларини ҳисобга олиниши билан филтрация жараёнларни математик моделлаштириш ҳамда ҳисоблаш тажрибалари асосида ҳар томонлама таҳлил қилиш усулларини интеграцияси муаммолари намоен бўлмоқда. Кўп қатламли ғовак муҳитларда ер ости сувларининг геофилтрацияси жараёнларини математик моделини яратиш, сув тутувчи

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўъаллафлик ва илмий тадқиқотнинг тармоқли стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

хусусиятлари, физик-механик хоссалари ва узлуксизлик даражасига боғлиқдир. Ер ости суви сатҳи ва ҳолатини, бошланғич маълумотлар асосида жараёнларни математик моделлаштириш, ахборотлар массивини яратиш, натижаларни тизимли таҳлили ҳамда харитографик тасаввурини яратиш усулларига бағишланган илмий-тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетда №БВ-Атех-2018 (399+487) «Гидрогеологик жараёнларни уч ўлчамли моделларини тузиш ва икки компонентли муҳитда диффузион жараёнларни сонли моделлаштириш учун амалий дастурлар пакети яратиш» (2018-2019) мавзуларидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кўп қатламли муҳитларда ўзаро боғлиқликдаги ер ости сувлари геофилтрацияси жараёнларини математик моделларини такомиллаштириш ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кўп қатламли ғовак муҳитларда гидрогеологик жараёнларни математик моделлаштириш муаммоларининг ҳозирги кундаги ҳолатини таҳлил қилиш;

ер ости сувларини дарё ва канал сувлари ўзаро боғлиқликдаги геофилтрация жараёнлари математик моделлари асосида чегаравий масалани куриш ва уни сонли ечиш;

ер ости ва ер усти сувлари оқимларининг асосий геофилтрация жараёнларини ўзаро боғланганлик ҳолатини ҳисоблаш ва аниқлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

гидрогеологик ҳудудларнинг геофилтрация жараёнларини математик моделлари ва ҳисоблаш алгоритмлари асосида дастурий мажмуа ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг алоҳида ҳудудлари учун гидрогеологик жараёнлар математик модели, сонли алгоритмлари ва ҳисоблаш тажрибалари асосида уни ижтимоий –реал масалаларни ечишда тадбиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кўп қатламли гидрогеологик ҳудудлардаги тоғ жинслари массиви ва ер ости сувларини биргаликдаги ҳамда ўзаро боғлиқликдаги геофилтрацион жараёнлари қаралган.

**Тадқиқотнинг предмети** ер ости гидросфераси таркибий тузилиш омиллари, шаклланиш шароитларидаги гидрогеологик жараёнларни математик моделлари, ечиш алгоритмлари ва дастурий мажмуалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, математик моделлаштириш, сонли усуллар, алгоритмлаш ва дастурлаш, ер ости сув тутувчи қатламларнинг ўтказувчанлик кўрсаткичларини ўрганишда эмперик маълумотларга ишлов бериш усуллари фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ер ости сувлари оқими жараёнларнинг мувозанат элементларини хусусиятлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган, гидрогеологик

шартлар асосида математик модели такомиллаштирилган;

ер ости ва ер усти сувлари оқимларининг асосий геофилтрация жараёнларини сув танқис йилларини ҳисобга олган ҳолда ўзаро боғланганлик ҳолатини ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

кенг миқёсдаги ҳудудларни мураккаб гидрогеологик шароитларида ер ости ва ер усти суви билан ўзаро боғлиқликдаги оқимлар жараёнини ифодаловчи математик модел учун чегаравий масалалар қурилган ва ечиш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

кўп қатламли гидрогеологик ҳудудлар тоғ жинслари, ер ости ва ер усти сувларини ўзаро боғлиқликдаги геофилтрация жараёнларини сонли тадқиқ қилиш математик модели ва ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилди;

ер ости сувлари геофилтрацияси, ўзгариш қонуниятлари, табиий шароитларда ҳамда жадал антропоген таъсири остида содир бўлаётган жараёнлар асосий кўрсаткичлари ва тавсилотлари аниқланди;

кўп йиллик табиий ва техноген омиллар таъсирида, сув танқислиги шароитида ер ости сувларини комплекс ишлатилиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги батафсил математик ифодалар ва қатъий белгиланган математик амаллар билан тасдиқланган. Моделнинг адекватлик масаласи объект элементлари фарқини минимумлашувига келтириш билан амалга оширилган, сонли тажриба-ҳисоблаш натижалари ўлчов-қузатув мониторинги маълумотлари билан солиштирилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гидрогеологик тизимларда математик моделлаштиришни илмий умумлаштириш, ер ости сувлари филтрация жараёнлари қонуниятларини табиий ва антропоген таъсири остида баҳолаш ҳамда ер ости сувлари сизилиш кўрсаткичларини ахборот таъминоти ва ҳисоблаш эксперимент усулларини ривожлантириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ер ости гидросферасида геофилтрация жараёнлари билан биргаликдаги бир ва кўп қатламли ғовакли муҳитларда турли бошланғич ва чегаравий шартлар асосида ер ости суви сатҳи ва босимли суви ҳолатини баҳолашнинг алгоритмлари ва дастурий воситалари ишлаб чиқилганлиги билан тавсифланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кўп қатламли ғовак муҳитларда ер ости ва ер усти сувларини биргаликда ва ўзаро боғлиқликдаги геофилтрацияси жараёнларининг математик моделлари асосида:

кўп қатламли гидрогеологик ҳудудлардаги тоғ жинслари массиви ва ер ости сувларини ўзаро боғлиқликдаги геофилтрация жараёнларини математик модели ҳамда ер ости сувлари оқими жараёнларининг мувозанат элементлари ўртасидаги хусусиятлар ўзаро боғлиқликни аниқлаш усуллари «Ғарбий Ўзбекистон дала гидрогеологик станцияси» ва «Қашқадарё гидрогеологик станцияси»да жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси



Давлат геология ва минерал ресурслар Кўмитасининг 2022 йил 10 майдаги 07-39-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижалари мураккаб гидрогеологик ва сув танқислиги шароитида маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш масалаларини ечиш имконини берган;

ер ости ва ер усти сувлари оқимларининг асосий геофилтрация жараёнларини ўзаро боғланганлик ҳолати алгоритмлари, кенг миқёсдаги ҳудудларни мураккаб гидрогеологик шароитларида ер ости ва ер усти суви билан ўзаро боғлиқликдаги жараённи математик модели, алгоритми ва дастурий воситалари «Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги мелниоратив экспедиция» ва «Гидротехника ирригация ХЭЖК» корхоналарида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 21 ноябрдаги 33-8/3538-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларининг қўлланилиши ер ости гидросферасида сув ҳўжалик шароитларининг ўзгариш ҳолати, математик моделларини амалда жорий этиш ҳисобига мониторинг ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш тизимини шакллантириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур диссертация тадқиқотининг натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 5 та хорижий ва 5 та республика журналларида чоп этилган ҳамда 3 та ЭХМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фани ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мос равишда долзарблигини ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш ҳолатлари, шунингдек, тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Диссертациянинг «Ер ости сувлари оқими ҳаракатининг гидрогеологик жараёнларини математик моделлари ва адабиётлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобда дунёда ва мамлакатимиз миқёсида

сўнги ўн йилликларда гидрогеологик тизимлардаги геофилтрация жараёнларини математик моделлаштириш ҳамда уларни сонли ечиш усуллари бўйича чоп этилган илмий адабиётлар ва мақолалар таҳлили келтирилган. Тадқиқот йўналиш бўйича масалаларининг қўйилиши, модел, алгоритм ва сонли усуллари қўлланиши бўйича гидрогеологик ҳудудларни таълаб олиш, ҳудудни идентификациялаш, геофилтрацияли схемалаш, ғовак муҳитлар ва ер ости сувлари билан ҳосил қилган чегаравий шартлар ва моделлаштириш тизимининг тузилиши ва хусусиятлари таҳлили каби тушунчалар ёритилган.

Илмий адабиётлар шарҳида ғовак муҳитларда қўп қатламли гидрогеологик жараёнларини моделлаштириш масалалари, фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижалари, гидрогеологик жараёнларини сонли моделлаштириш, ҳисоблаш математикаси ва оддий дифференциал тенгламаларни ечишда чекли айирмалар схемаси усулларига бағишланган тадқиқотлари ва амалий дастурлар пакети, айниқса, ирригация ва грунт сувларининг текисликдаги оқимини, сизилиш кўрсаткичлари жараёнини таҳлил қилиш ва башоратлаш муаммоларини ҳал қилиш учун ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситаларининг математик моделларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш кўриб чиқилган.

Гидрогеологик-мелиоратив масалаларни ечишда ҳар бир ҳудуднинг ўзгарувчан шарт-шароитига қараб, аниқ бир ҳолат учун суғориладиган майдонлар хусусиятлари, қишлоқ хўжалик экинлари турлари ўзгариши ва уларга мўлжалланган суғориш меъёрлари, суғориш режими, шўрланган ерларни ювиш шарт-шароитларини ҳисобга олиш зарур. Бундан ташқари ирригация тармоқлари, зовур ва заҳкашлар тармоғи, табиий оқар сув тармоқлари ва уларнинг ер ости сувлари билан ўзаро алоқасини, ер ости сувларининг кириб келиши ва чиқиб кетиш миқдорий қийматлари ҳамда сув олиш иншоотларининг лойиҳалари ва уларнинг ҳақиқий сув олиш қийматларини эътиборга олиш кераклиги белгиланади.

Аҳолини ичимлик суви манбаи таъминотида ишлаб чиқилган назарий, технологик, методологик ва дастурий ишланмаларини ишончлилик ҳамда аниқликлар бўйича синовлардан ўтказиш, турли хил қўлланиладиган усуллар асосида гидрогеологик тизимларда гидрогеологик ва муҳандис геологик вазибаларни ҳал этиш учун математик моделларни такомиллаштириш, геофилтрация жараёнларини математик моделлаштиришда табиий геологик ва гидрогеологик шарт шароитларни ҳисобга олиб, ўз навбатида техноген вазиятларни инобатга олувчи махсус масалаларнинг қўйилишига ва ечиш тамойилларига эътибор берилиши лозим.

Диссертациянинг «Китоб-Шаҳрисабз ҳудудида ер ости сувларини геофилтрация жараёнларини математик моделлаштириш» деб номланган иккинчи бобда ўрганилаётган ҳудуддаги ер ости грунт ва босимли сувлари Китоб-Шаҳрисабз ер ости суви конининг гидрогеологик ўрганганлиги, шарт-шароитларни схемалаштириш ҳақида маълумотлар ва унинг ахборот ҳамда математик модели келтирилган. Асосий эътибор, ўрганилаётган гидрогеологик тизимни (майдонни) моделлаштиришда муҳим

босқич геофилтрация схемасига берилган бўлиб, у бошланғич ва чегаравий шартларни, гидросфера параметрларини, баланс элементлари асоси ва филтрланиш режимини танлашнинг миқдорий ўзгаришлари олинди.

Геофилтрация схемаси ер ости суви ҳаракати жараёнини тавсифловчи математик моделни яратишга имкон берди. Уни амалга ошириш учун алгоритмик дастурлаш тилларидан бирида компьютер дастурларини тузиш, ечиш ва компиляция қилишга маъқул хусусиятлар ва усул танланган.

Ер ости сувларини гидрогеологик мелiorатив дренажлаш шарт-шартларига кўра ҳудудларга ажратилишида қўйидаги асосий талаблар инobatга олинди: сув ўтказувчи ва сувга чидамли комплексларнинг литологик-фациол тузилиши ва пайдо бўлиш шартлари; улар билан боғлиқ бўлган ер ости сувларини тўйинтириш таъминоти ва сатҳ тушириш шартлари; қўп қатламли ғовак мухитли комплексларда филтрланиш хусусиятлари; сув ўтказувчанлик хусусиятлари: режалаштирилган геологик чегараларни тақсимлаш (паст ўтказувчан тоғ жинсларининг ўзаро алоқаси); гидрографик тармоқнинг ҳолати ва ер ости сувлари билан ўзаро алоқаси; тектоник тузилиш (ёриқлар, депрессиялар, қўтарилишлар) ҳудуд омилларни ҳисобга олган ҳолда иккита гидродинамик минтақа аниқланди.

Ер ости сувларининг ўзаро муносабатларини асосий кўрсаткичлари, оқим тезлиги, сизилиш омиллари ва сув ресурсларини аниқлаш каби масалалар ёритиб берилган. Китоб-Шаҳрисабз ер ости сув конларида эксплуатация жараёнларнинг бориши, режим кузатувлари натижаларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, ер ости сувларининг ҳолатини ўрганиш ва уларни ҳимоя қилиш, ер ости сувлари сатҳини ўзгартиришини башорат қилиш, сизилиш жойларини аниқлаш, уларнинг миқдорини ўрганиш, ер ости сувларида дарё суви билан ўзаро алоқа масалари кўриб чиқилган. Шунингдек, ер ости грунт ва босимли сувлари, уларнинг ўзаро боғлиқликлари, сув алмашиниш жараёни ҳамда геофилтрация жараёнларининг математик моделлаштириш келтирилган.

Ер ости грунт сувлари мувозанат тенгламаси, бирор  $G$  соҳада гидрогеологик тизимларнинг геофилтрация жараёнларини математик модели дифференциал тенгламалар тизимига асосланган бўлиб, сув тутувчи қатламларни ўзаро боғловчи ҳамда вақтга боғлиқ ҳудудий текисликдаги ер ости суви оқими динамикасини ифодалайди ва хусусий ҳосилалари параболик турда қўйидаги математик модель кўринишга эга бўлади:

$$\mu \frac{\partial h}{\partial t} = \frac{\partial}{\partial x} \left( kh \frac{\partial h}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left( kh \frac{\partial h}{\partial y} \right) + \eta (J - Q_s - f + Q_r - Q_d) \quad (1)$$

қўйидаги кўринишга эга бўлган бошланғич,

$$h(x, y, t)_{t=0} = \phi(x, y); \quad (x, y) \in G; \quad t = t_0; \quad (2)$$

ва чегаравий шартлар,

$$h(x, y, t) = \phi_2(x, y); \quad (x, y) \in \Gamma_1; \quad t > t_0; \quad (3)$$

$$-kh \frac{\partial h}{\partial n} = \phi_3(x, y); \quad (x, y) \in \Gamma_2 \quad t > t_0; \quad (4)$$

$$-kh \frac{\partial h}{\partial n} = \gamma(h_0 - h); \quad (x, y) \in \Gamma_3 \quad t > t_0 \quad (5)$$

бу ерда  $\mu$  - қатламнинг сув бериш қобилияти ёки тўйинганликнинг етишмовчилиги (ўлчовсиз катталиқ);  $x, y$  - текисликдаги координаталар,  $m$ ;  $t$  - вақт, сутка;  $h = h(x, y, t)$  - ер остидан ер юзасига қадар сувнинг сатҳи,  $m$ ;  $k = (x, y)$  - қатламни сув сизилиб ўтказувчанлик коэффициенти, яъни филтрация коэффициенти,  $m/сут$ ;  $\eta$  - моделни ўлчовли кўринишга ўтказиш коэффициенти (тенгликларнинг масса алмашинуви коэффициенти);  $J = J(x, y)$  - ер усти сувларининг сизилиб кириши, яъни ёгин сочинларнинг инфилтрацияси,  $m/сут$ ;  $Q_b$  - сув босиши, яъни грунт сувларининг ер устига чиқиб кетиши;  $\gamma$  - ер ости ва ер усти сувларининг ўзаро боғлиқлигининг гидрогеологик шарты.

(1) тенгламани (2)-(5) бошланғич ва чегаравий шартлар асосида ечиш Ф.Б.Абуталиев, И.И.Измайлов, И.Хабибуллаев каби олимлар томонидан ишлаб чиқилган сонли усуллар ёрдамида, дифференциалдан чекли айирмага ўтиш А.А.Самарский, М.М.Крылов, С.Ф.Аверьянов каби олимлар томонидан ишлаб чиқилган локал бир ўлчовли схемадан фойдаланиб, сонли-айирмали схемалар ва ҳайдаш (прогонка) усуллари кўллаш асосида ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилди.

Ер ости сувларини геофилтрациясида грунт сувларининг пастки босимли сувлари билан ўзаро боғлиқлигини Буссинеско тенгласидан фойдаланган ҳолда қуйидагича ифодаланади:

$$\left. \begin{aligned} \mu \frac{\partial h}{\partial t} &= \frac{\partial}{\partial x} (k_1 h \frac{\partial h}{\partial x}) + \frac{\partial}{\partial y} (k_1 h \frac{\partial h}{\partial y}) - k_s (1 - \frac{H}{h}) + \eta W, \\ \mu^* \frac{\partial H}{\partial t} &= \frac{\partial}{\partial x} (k_2 m \frac{\partial H}{\partial x}) + \frac{\partial}{\partial y} (k_2 m \frac{\partial H}{\partial y}) + k_s (1 - \frac{H}{h}) - \eta W_1. \end{aligned} \right\} \quad (6)$$

(6) система қуйидаги бошланғич ва чегаравий шартлар асосида ечилади:  
бошланғич шартлар:  $h|_{t=0} = h_0, H|_{t=0} = H_0,$  (7)  
чегаравий шартлар:

$$m \frac{\partial h}{\partial x} \Big|_{x=0} = -(h - h_0), \quad m \frac{\partial h}{\partial x} \Big|_{x=L} = (h - h_0), \quad (8)$$

$$m \frac{\partial h}{\partial y} \Big|_{y=0} = -(h - h_0), \quad m \frac{\partial h}{\partial y} \Big|_{y=L} = (h - h_0), \quad (9)$$

$$m \frac{\partial H}{\partial x} \Big|_{x=0} = -(H - H_0), \quad m \frac{\partial H}{\partial x} \Big|_{x=L} = (H - H_0), \quad (10)$$

$$m \frac{\partial H}{\partial y} \Big|_{y=0} = -(H - H_0), \quad m \frac{\partial H}{\partial y} \Big|_{y=L} = (H - H_0), \quad (11)$$

$$H|_{x=m+0} = h|_{x=m-0}, \quad H|_{y=m+0} = h|_{y=m-0}, \quad (12)$$

$$k_2 m \frac{\partial H}{\partial x} \Big|_{x=m+0} = k_1 m \frac{\partial h}{\partial x} \Big|_{x=m-0}, \quad k_2 m \frac{\partial H}{\partial y} \Big|_{y=m+0} = k_1 m \frac{\partial h}{\partial y} \Big|_{y=m-0}. \quad (16)$$

бу ерда  $h_0, H_0$  – ер ости сув сатҳи ва босимларининг бошланғич қийматлари.

Чегаравий шартлар табиий, гидрологик ва гидрогеологик шарт шароитлардан келиб чиқиб, геофильтрация соҳаси чегарасида ер ости суви сатҳи ёки сув сарфи, ёки бўлмас сув сатҳи ва сарфининг ўзаро муносабатларини аниқловчи I, II, III уч турдаги ифодалар асосида бериледи, юқорида келтирилган моделлар ва уларни амалга оширувчи услублардан фойдаланиб, ер ости сувлари ҳолати ўзгариши, уларнинг ер усти сувлари билан боғлиқлиги ва чучук сувларнинг ўзгариши масалаларини текисликда ва вақт ўзгариши бўйича тадқиқ қилиш мумкин.

Минтақавий миқёсдаги худудлар дарё ўзани бўйлаб ер ости сув оқими ўнлаб километрга чўзилади. Минтақавий ер ости суви шаклланишининг қонуниятлари геологик тузилиши, сув тутувчи қатламларнинг таркибий тузилиши хусусиятлари, ер ости суви оқимининг сув таъминоти ва сувни сарфланиш шарт шароитлари билан аниқланади. Моделлашнинг сифатли бажарилишида ҳисоб жараёнларининг хусусиятлари ва омилларнинг йўналиши табиий ҳолатга мослиги (адекватность), дастурлаш билимини ҳамда мураккаб гидрогеологик шароитлар ҳисобга олинган.

Ночизикли хусусий ҳосилални дифференциал тенгламалар системалари билан ифодаланган (6)-(16) масаланинг ифодаси сонли интеграцияси учун чекли айирмали усулига асосланган рақамли алгоритм ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «Қўп қатламли ғовак муҳитларда ер ости сувларини геофильтрация жараёнларини сонли ҳисоблаш» деб номланган учинчи бобида ностационар бўлган вазиятлардаги масалаларни таҳлил қилишда сувли тизимнинг ўзгариши имкониятларини ҳисобга олиш, ўрганиш икки ўлчовли фильтрация тенгламаси асосида амалга оширилиш масалалари қаралган. Сув қонида сув олиш иншооти ёрдамида сув олинаётган гидрогеологик масалаларига кўра фильтрланиш жараёнининг ривожланишини кўриб чиқилган.

Бир қатламли ва кўп қатламли ғовак муҳитларда эркин оқимли ер ости сувлари геофильтрацияси жараёни математик моделини сонли ечими ва унинг тамойиллари келтирилган. Сонли ечиш давомида ўзгармас катталикларни киритиш, ошқормас чекли айирмали схемадан фойдаланиш, аппроксимациялаш, алгебраик тенгламалар системасига келтириб олиш, чизикли алгебраик тенгламалар системасини ҳайдаш (прогонка) усули билан ечиш ҳамда  $\alpha$  ва  $Oy$  йўналиши бўйлаб ер ости сув сатҳларининг чегарадаги қийматларини топиш тадқиқотлари амалга оширилган.

Масалаларни чекли-айирмали яқинлашишдан фойдаланиб, алгебраик тенгламалар тизимини ҳосил қиламиз, уни ечиш орқали объектнинг керакли параметрларини ва уларнинг вақт ва йўналишлар бўйича ўзгаришларининг мақбул қийматларини аниқлаймиз. (1)-(5) масалаларни ечиш учун ўлчовсиз

катталикларни киритамиз ва (1) тенгламадаги дифференциал операторларни чекли-айирмали операторларга алмаштириб, бўйлама-кўндаланг йўналиш схемасидан фойдаланиб,  $O_x$  йўналиш бўйича қуйидагига эга бўламиз:

$$\frac{1}{\bar{h}_{i,j}} \frac{(h^2)_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} - (h^2)_{i,j}^n}{0.5\Delta\tau} = \frac{k_{i-0.5,j}(h^2)_{i-1,j}^{n+\frac{1}{2}} - (k_{i-0.5,j} + k_{i+0.5,j})(h^2)_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} + k_{i+0.5,j}(h^2)_{i+1,j}^{n+\frac{1}{2}}}{\Delta x^2} + \frac{k_{i,j-0.5}(h^2)_{i,j-1}^n - (k_{i-0.5,j} + k_{i+0.5,j})(h^2)_{i,j}^n + k_{i+0.5,j}(h^2)_{i,j+1}^n}{\Delta y^2} + 2\xi_1\eta W_{i,j}^n. \quad (17)$$

(17) системани сатҳ функциясининг квадратига нисбатан  $h^2 \approx 2\bar{h}h - \bar{h}^2$  каби ёзамиз, ўхшаш ҳадларни ихчамлаганимиздан кейин чекли-айирмани алгебраик тенгламалар системаси кўринишида ифодалаймиз:

$$a_{i,j}h_{i-1,j}^{n+\frac{1}{2}} - b_{i,j}h_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} + c_{i,j}h_{i+1,j}^{n+\frac{1}{2}} = -d_{i,j}, \quad (18)$$

бу ерда  $a_{i,j} = \frac{2k_{i-0.5,j}\bar{h}_{i-1,j}}{\Delta x^2}$ ,  $b_{i,j} = \frac{2(k_{i-0.5,j} + k_{i+0.5,j})\bar{h}_{i,j}}{\Delta x^2} - \frac{4}{\Delta\tau}$ ,  $c_{i,j} = \frac{2k_{i+0.5,j}\bar{h}_{i+1,j}}{\Delta x^2}$ ,

$$d_{i,j} = \left( \frac{4}{\Delta\tau} - \frac{2(k_{i,j-0.5} + k_{i,j+0.5})\bar{h}_{i,j}}{\Delta y^2} \right) h_{i,j}^n + \frac{2k_{i,j-0.5}\bar{h}_{i,j-1}}{\Delta y^2} h_{i,j-1}^n + \frac{2k_{i,j+0.5}\bar{h}_{i,j+1}}{\Delta y^2} h_{i,j+1}^n - \frac{k_{i-0.5,j}\bar{h}_{i-1,j}^2}{\Delta x^2} + \frac{(k_{i-0.5,j} + k_{i+0.5,j})\bar{h}_{i,j}^2}{\Delta x^2} - \frac{k_{i+0.5,j}\bar{h}_{i+1,j}^2}{\Delta x^2} - \frac{k_{i,j-0.5}\bar{h}_{i,j-1}^2}{\Delta y^2} + \frac{(k_{i,j-0.5} + k_{i,j+0.5})\bar{h}_{i,j}^2}{\Delta y^2} - \frac{k_{i,j+0.5}\bar{h}_{i,j+1}^2}{\Delta y^2} + 2\xi_1\eta W_{i,j}^{n+\frac{1}{2}}.$$

Оу йўналишида (18) системани  $\omega_{\Delta x, \Delta y, \Delta\tau}$  тўрда ошқормас схемани қўллаб аппроксимация қиламиз, сатҳ функциясининг квадратига нисбатан ифодадан фойдаланиб ва уни уч диагоналли алгебраик тенгламалар системаси кўринишида қуйидагича ифодалаймиз:

$$\bar{a}_{i,j}h_{i-1,j}^{n+1} - \bar{b}_{i,j}h_{i,j}^{n+1} + \bar{c}_{i,j}h_{i+1,j}^{n+1} = -\bar{d}_{i,j}, \quad (19)$$

бу ерда  $\bar{a}_{i,j} = \frac{2k_{i,j-0.5}\bar{h}_{i,j-1}}{\Delta y^2}$ ,  $\bar{b}_{i,j} = \frac{2(k_{i,j-0.5} + k_{i,j+0.5})\bar{h}_{i,j}}{\Delta y^2} - \frac{4}{\Delta\tau}$ ,  $\bar{c}_{i,j} = \frac{2k_{i,j+0.5}\bar{h}_{i,j+1}}{\Delta y^2}$ ,

$$\bar{d}_{i,j} = \left( \frac{4}{\Delta\tau} - \frac{2(k_{i-0.5,j} + k_{i+0.5,j})\bar{h}_{i,j}}{\Delta x^2} \right) h_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} + \frac{2k_{i-0.5,j}\bar{h}_{i-1,j}}{\Delta x^2} h_{i-1,j}^{n+\frac{1}{2}} + \frac{2k_{i+0.5,j}\bar{h}_{i+1,j}}{\Delta x^2} h_{i+1,j}^{n+\frac{1}{2}} - \frac{2k_{i,j-0.5}\bar{h}_{i,j-1}^2}{\Delta y^2} + \frac{k_{i-0.5,j}\bar{h}_{i-1,j}^2}{\Delta x^2} + \frac{(k_{i-0.5,j} + k_{i+0.5,j})\bar{h}_{i,j}^2}{\Delta x^2} - \frac{k_{i+0.5,j}\bar{h}_{i+1,j}^2}{\Delta x^2} - \frac{k_{i,j-0.5}\bar{h}_{i,j-1}^2}{\Delta y^2} + \frac{(k_{i,j-0.5} + k_{i,j+0.5})\bar{h}_{i,j}^2}{\Delta y^2} - \frac{k_{i,j+0.5}\bar{h}_{i,j+1}^2}{\Delta y^2} + 2\xi_1\eta W_{i,j}^{n+\frac{1}{2}},$$

(19) тенгламалар системасини ҳайдаш усулидан фойдаланиб

$$\text{ҳисоблаймиз: } O_x \text{ йўналишида } h_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} = \alpha_{i+1,j} h_{i+1,j}^{n+\frac{1}{2}} + \beta_{i+1,j}, \quad (20)$$

$$O_y \text{ йўналишида } h_{i,j}^{n+1} = \bar{\alpha}_{i,j} h_{i,j}^{n+1} + \bar{\beta}_{i,j}, \quad (21)$$

каби рекуррент формулардан фойдаланиб (20) ва (21) ифодаларда  $\alpha_{i,j}, \beta_{i,j}, \bar{\alpha}_{i,j}, \bar{\beta}_{i,j}$  ларни топиш учун  $i$  ни  $i-1$  га  $j$  ни  $j-1$  га алмаштираемиз:

$$h_{i-1,j}^{n+\frac{1}{2}} = \alpha_{i,j} h_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} + \beta_{i,j}, \quad h_{i,j-1}^{n+1} = \bar{\alpha}_{i,j} h_{i,j}^{n+1} + \bar{\beta}_{i,j}$$

бу ерда  $\alpha_{i,j}, \beta_{i,j}, \bar{\alpha}_{i,j}, \bar{\beta}_{i,j}$  лар ҳайдаш коэффициентлари, ҳисоб китоблардан сўнг  $O_x, O_y$  йўналишлари бўйича ҳайдаш (прогонка) коэффициентларини топиш учун қуйидаги рекуррент ифодалардан фойдаланамиз:

$$\alpha_i = \frac{c_{i-1,j}}{b_{i-1,j} - a_{i-1,j} \alpha_{i-1,j}}, \quad \beta_i = \frac{d_{i-1,j} + a_{i-1,j} \beta_{i-1,j}}{b_{i-1,j} - a_{i-1,j} \alpha_{i-1,j}}, \quad (22)$$

$$\bar{\alpha}_i = \frac{\bar{c}_{i,j-1}}{b_{i,j-1} - \bar{a}_{i,j-1} \bar{\alpha}_{i,j-1}}, \quad \bar{\beta}_i = \frac{\bar{d}_{i,j-1} + \bar{a}_{i,j-1} \bar{\beta}_{i,j-1}}{b_{i,j-1} - \bar{a}_{i,j-1} \bar{\alpha}_{i,j-1}}, \quad (23)$$

$$-kh \left. \frac{\partial h}{\partial n} \right|_r = \gamma(h_0 - h) \text{ каби чегаравий шартни фиктив бўлган филтрация}$$

худуди учун ҳар бир йўналишларда чегаравий шартларни қуйидагича қилиб ёзиб оламиз ва ошқормас схемани қўллаб аппроксимация қиламиз:

$$O_x \text{ йўналиши бўйлаб: } \left. \frac{\partial h}{\partial x} \right|_{x=0} = -\frac{k_0 h_0}{2L} k_{i,j} \frac{2\bar{h}_{i,j} h_{i,j}^{\frac{1}{2}} - \bar{h}_{i,j}^2 - 2\bar{h}_{0,j} h_{0,j}^{\frac{1}{2}} + \bar{h}_{0,j}^2}{\Delta x} = \gamma(h_0 h_{i,j}^{\frac{1}{2}} - h_0), \quad (24)$$

$$\left. \frac{\partial h}{\partial x} \right|_{x=1} = \frac{k_j h_0}{2L} k_{i,j} \frac{2\bar{h}_{i,j} h_{i,j}^{\frac{1}{2}} - \bar{h}_{i,j}^2 - 2\bar{h}_{i,j-1} h_{i,j-1}^{\frac{1}{2}} + \bar{h}_{i,j-1}^2}{\Delta x} = \gamma(h_0 h_{i,j}^{\frac{1}{2}} - h_0), \quad (25)$$

$$O_y \text{ йўналиши бўйлаб: } \left. \frac{\partial h}{\partial y} \right|_{y=0} = -\frac{k_j h_0}{2L} k_{i,j} \frac{2\bar{h}_{i,j} h_{i,j}^{n+1} - \bar{h}_{i,j}^2 - 2\bar{h}_{i,0} h_{i,0}^{n+1} + \bar{h}_{i,0}^2}{\Delta y} = \gamma(h_0 h_{i,j}^{n+1} - h_0), \quad (26)$$

$$\left. \frac{\partial h}{\partial y} \right|_{y=1} = \frac{k_0 h_0}{2L} k_{i,j} \frac{\bar{h}_{i,j} h_{i,j}^{n+1} - \bar{h}_{i,j}^2 - \bar{h}_{i,j-1} h_{i,j-1}^{n+1} + \bar{h}_{i,j-1}^2}{\Delta y} = \gamma(h_0 h_{i,j}^{n+1} - h_0), \quad (27)$$

Юқорида таъкидланганидек, муаммо чизиқин бўлмаган квази дифференциал тенгламалар ёрдамида тасвирланган, уни итерация усули ёрдамида ечилди. Такрорланувчи жараённинг яқинлашув шартлари қуйидагилардан иборат:

$$\left| (h_{i,j})^{(s+1)} - (h_{i,j})^{(s)} \right| \leq \varepsilon.$$


бу ерда  $s$  – итерациялар сони,  $\varepsilon$  – итерацион жараённинг аниқлиги.

Ушбу ёндашувлар ва алгоритмларни амалга оширувчи дастурий восита яратилган, худудий текисликдаги ер ости суви оқимини филтрацияси қирқимдаги ҳолатларни ўз ичига олувчи, сизот сувлари оқимининг чегаравий масалаларини ечишда амалга оширувчи алгоритмлари; бошланғич маълумотларни киритишда графикли интерфейсларидан ва уларни махсус тузилишда сақлашга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «Китоб-Шахрисабз худудида геофилтрация жараёнларини моделлаштириш хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган математик модел, самарали ҳисоблаш алгоритми ва дастурий восита асосида ер ости сувларининг геофилтрация жараёнларини моделлаш, республикаimiz халқ хужалигидаги муҳим соҳалар, яъни Китоб-Шахрисабз ер ости суви кони мисолида тадбиқи амалга оширилди

Дастурий восита Windows операцион тизимдаги Embarcadero RAD Studio XE7 муҳитида Object Pascal (Delphi XE7) дастурлаш тилида ёзилган.

Бир қатор ностационар масалаларда дала тадқиқотлари натижасидан олинган сув баланси модели ва сув йўқотиш коэффициенти бўйича 0,10 дан 0,20 гача ўзгаришидан ҳисоблаш тажрибалари ўтказилиб, ушбу интервалда энг мақбул параметр қийматлари танланди. Тажриба натижасида  $\mu=0.12$  қийматида учта танланган характерли нуқталарда ўтказилган ҳисоблаш тажрибалари минимал даражадаги оғишларни ва вақт фарқи билан сув сатҳи  $H$ -нинг барқарор тебранишини кўрсатди.



1-расм. Тадқиқот натижаси

